



YOSHLAR OVOZI

FORUM

ҒАЙРАТИГА ҚОЙИЛ!



РИЗАРАМТОВ



Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси томонидан ёш тadbirkorлар форуми ташкил қилинди. Унда имтиёзли

кредит асосида бизнес фаолиятини бошлаган 100 нафардан зиёд йиғит-киз ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан қатнашти. Кўргазмада ёш тadbirkorлар балкичилик, кўнчилик, асаларичлик, хунармандчилик каби йўналишлардаги ютуқларини намойиш этмоқда. Форум ишида Ўзбекистон — Хитой савдо уйи, “Vnicks” компанияси вакиллари ҳамда Хитойнинг 30 дан зиёд йирик тadbirkorлари ҳам иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида “Ўзбекистон — Россия ёшлар



бизнес инкубатори” иштирокчилари ўртасида келишувлар ва шартномалар имзоланиши ҳам кўзда тутилган.

Ҳасан УСМОНОВ

JINOYATGA QARSHI KURASHISH HAQIQATI VA ADOLATI

ЎЗ-ЎЗИГА ҚАЗИЛГАН ЧОҲ

Хато қилиш инсонга хос. Қилмишдан хулоса чиқариб, тўғри йўлга қайтиш эса, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Зотан, қонунобузарлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, олиб келмайди ҳам.

1992 йилда Бухоро шаҳрида туғилган Одина Асадуллаева (исм-фамилияси ўзгартирилган) онладаги

етишмовчиликлар сабаб хорижга чиқишни мақсад қилади. Аммо унинг паспортига чет элга чиқишга рухсат берувчи махсус стикер урилмаган эди. Хужжатларни вақтида ва талаб асосида расмийлаштириш ўрнига тенгдошимиз қонунни четлаб ўтишни афзал топди. У поезд орқали Тошкентдан Олмаота шаҳрига ўтиб, кейин Дубайга учиб кетади.

Мусофир юрда қийналиб ашаган, соғинч ҳисси қалби-

ни ўртаган Одина, охир-оқибат, Ватанига қайтишга қарор қилади. Тошкент халқаро аэропортида паспорт назоратидан ўтаётган пайтида хорижга ноқонуний чиқиб кетгани аён бўлади. О.Асадуллаева қилмиши учун жавобгарликка тортилди.

Кичик хато вақтида тузатилмаसा, катта қўнғилсизликка сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Қиз боланинг пул топиш илмида ноқонуний равишда хорижга чиқиши — катта хатолик. Воқеа бундан ҳам аянчли тус олиши, у одамфурушлар тўзонага тушиб, алдови қурбонига айланиши, қизлик иффати ва номусини йўқотиши ҳам мумкин эди. Худо сақласин!

Зафар СУЛТОНОВ,
Тошкент халқаро аэропорти
терговчиси, капитан

ИБРАТ ЎЗДОШЛАРИ МАКТАБИ

Бир вақтлар ўрта мактабда чет тилларини ўқитишга ҳафтада бир соат, аниқроғи, 45 дақиқа вақт ажратилар эди. Уни ҳам ўқитувчилар асосан ўзбек тилида ўтишган. Оқибатда ўқувчилар хорижий тиллардан бирор-тасида хатто ўзини таништиришни ҳам ўрганмай мактабни битирган. Бугун болалар боғчасидан бошлаб,

умумтаълим мактабларини олий ўқув юртлири, ўқув марказларида тил ўргатишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёш авлоднинг толеи порлоқ эканидир. Бундан ташқари, иктидорли ёшлар ихтисослашган нуфузли таълим даргоҳларида бир неча хорижий тилларни пухта ўрганмоқда. Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий

тиллarga ихтисослашган мактаб-интернатда таълим олаётган ўғил-қизлар худди шундай иқбол ва истикболи билан фахрлинига ҳақли ва шунга муносиб бўлишга бурчли авлоддир. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилиб, жорий йилда фаолият бошлаган мактаб-интернат маънавий-маърифий ҳаётимизда икки жихатдан катта аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Биринчиси, дунё тамаддуни ва илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждоғларимиз хотирасига эҳтиром қўрсатиш, қадамжоларини обод қилиш бўлса, иккинчиси уларнинг бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни уларга муносиб ворислар этиб тарбиялаш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан биридир.

(Давоми 2-саҳифада)

EKSKLYUZIV

ЁШЛАРГА ИШОНИБ ХАТО ҚИЛМАЯПМИЗ

”ИЛГАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА СУРХОН ЁШЛАРИГА ПАСТ НАЗАР БИЛАН ҚАРАБ КЕЛИНГАН. “СУРХОНДАРЁМИ? СУРХОНДАРЁГА БЎЛАВЕРАДИ” ҚАБИЛИДАГИ КАМСИТИШЛАРНИ КЎП ЭШИТАРДИМ ВА БУНДАЙ МУНОСАБАТДАН ЖУДА РАНЖИРДИМ. ЭНДИ-ЧИ? ДАВР ЎЗГАРДИ, ТАЛАБ ЎЗГАРДИ! СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚА ХУДУДЛАРДАН КАМ КЎРИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ”.



3-саҳифага қаранг

SENING TENGDOSHING

Не ажабки БЕҲЗОДДЕК бўлса

Суратдаги тенгдошимиз Хоразмнинг Богот туманидан. Феруз Рўзибоев исмига монанд музаффар йиғит.

Исм инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эгаллигини ва қайсидир маънода, тақдирга дахлдор бўлишига Феруз билан яқинроқ танишган, яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Ваҳоланки, орамизда арзимас қийинчиликларга дуч келиб, осонгина таслим бўладиган ёшлар ҳам йўқ эмас-да.

— Бундан тўрт-беш йил аввал сурат чизишга иштиёқим борлигини пайқадим, — дейди Ф.Рўзибоев. — Лекин тасвирий санъат асарларини оёқ билан яратиш осон кечмади. Ўзимга бўлган ишонч ва тинимсиз меҳнат эвазига бунинг удласидан чиқдим.

Йиғирма икки баҳорини қаршилаган Феруз аждоғларимиз портретларини чизишни яхши кўради. Бундай



интилиш замирида боболаримизга ҳурмат ва улардек етук инсон бўлиш истаги мужассам, назаримизда. Қаҳрамонимизнинг ғайратини кўриб,

у келажакда Камолдин Бехзод каби буюк мусаввир бўлишига астойдил ишондим.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ



ШОҒИРЛАРИНИ
ЕЛКАСИДА КЎТАРГАН
МУРАББИЙ 2



ҚИЗИЛ
РЎМОЛЧА 4

ИБРАТ ИЗДОШЛАРИ МАКТАБИ

(Бошланиш 1-саҳифада)

Ибрат домла араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, француз тилларини, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини яхши билган. “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилди лугат”), “Жомеъ ул-хутут” (“Хатлар мажмуи”), “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон уз-замон” (“Замон тарозиси”), “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” каби 10 дан ортқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ва маърифий асарлар муаллифи.

Ушбу билим даргоҳига дастлабки ўқув йилида 81 нафар, 2018-2019 ўқув йилида эса 45 нафар ўқувчи Давлат тест марказининг тест синовлари асосида қабул қилинган ва ҳозир жами 126 нафар алоҳида истеъдодли ўғил-қиз инглиз, немис, француз, рус, араб, корейс ва хитой тилларини қунт билан ўрганмоқда. Уларни 24 нафар малакали устоз дунё тиллари ва тил-

лар дунёси билан таништирмоқда. Ёшларнинг пухта билим эгаллаши, устозларнинг сидқидилдан меҳнат қилиши учун мактаб-интернатда барча шароит яратилган. Аудиториялар, ўқув хоналари, лабораториялар, компьютер синфи, кутубхона, анжуманлар зали, олий ўқув юрталарининг услубият хоналари, лингафон, амалиёт хоналари ва ошхона замонавий жиҳозлангани ўқув-тарбия ишлари самардорлигига хизмат қилмоқда.

Хорижий тиллар 10 нафардан кўп бўлмаган кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилиши устознинг ҳар бир ўқувчи билан кўпроқ ишлаши, мулоқотда бўлиши имкониятини беради. Бундан ташқари, куннинг иккинчи ярмида ўқувчилар билан тил ўргатиш тўғрисида 3-5 кишилик гуруҳда кўшимча машғулот олиб борилади.

Мактаб-интернатда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан имзоланган ҳамкорлик битимлари асосида услубий ёрдам кўрсатиш, тил ўргатишда хорижий тажрибага асосланган илғор инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-услубий излашлар олиб бориш йўлга қўйилган.

— Жорий йилда Наманган давлат университетида фаолият юритаётган бир гуруҳ халқаро волонтерлар иштирокида ҳафтада бир кунлик машғулотлар ўтиш ҳам йўлга қўйилди, — дейди мактаб-интернат директори Г.Қаюмова. — Жумладан, АКШлик инглиз тили мутахассиси, Жанубий Кореянинг KOICA ташкилоти мутахассислари билан ўтказилган дарс машғулотлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Бу ерда хорижий тиллардан ташқари, “Мен ва менинг дунём”, “Қизиқарли математика”, “Ёш қаламкаш”, “Ёш биолог”, “Бадий таржима”, “Хаттоғлик санъати”, “Лирик лаҳзалар”, “Нотиклик санъати ва сахна маҳорати” каби тўғрақарлар ҳам фаолият юритмоқдаки, бу ўқувчиларнинг истеъдодини чарқлаш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Уларга Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, шоир-ёзувчилар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари маҳорат сирларини ўргатаётир.

Ақромжон САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

KASBINING FIDOYLARI

ШОГИРДЛАРИНИ ЕЛКАСИДА КЎТАРГАН МУРАББИЙ



Шерзод МАХМУДОВ

Мамлакатимизда бокс оммавий спорт турига айланди. Айниқса, Бразилияда бўлиб ўтган Ёзги олимпиада ўйинларидан сўнг бокс секцияларига қатнайдиган ёшлар сафи кенгайди. Спортчиларимиз оламшумул натижаларга эришиш учун астойдил меҳнат қилиб, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонига сазовор бўлган Раҳматжон Рўзиохунов бугун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг катта мураббийи вазифасида хизмат қилмоқда.

— Отам ҳайдовчи эди, — дейди Раҳматжон ака. — Хизмат сафарларида кўп бўларди. Яшаш жойимизни тез-тез ўзгартиришга тўғри келган. Негадир маҳаллий болалар билан чиқишиб кета олмадим. Улар орасида ўзимни бегонадек сезардим. Баъзилари мени турткилаб, чиқиштирмасди. Мен эса, иродамни тоблаш мақсадида боксга бордим. Мамлакат чемпиони бўлдим. Унғайгач, жисмоний тарбия институтига ўқишга кирдим. Мураббийлик фаолиятини талабалик давридан бошлаганман. 2015 йилдан Ўзбекистон бокс федерацияси мени ўз сафига қўшди.

Даставвал менга аёллар терма жамоасини ишониб топширишди. Қиска фурсатда шогирдларим сони салкам 500 нафарга етди. Бир йил ичида улар орасидан жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқди. Рио-де-Жанейродаги Олимпиада олдида федерация тақлифи билан терма жамоага катта мураббий бўлиб ишга ўтдим.

Хорижда кўп чиқамиз. Аксарият танишларим: “Сизга маза. Турли давлатларда бўлиб, саёхат қиласиз”, — дейди. Ваҳоланки, биз у ерларга кўнглихушлик учун бормаймиз. Елкамизда масъулият туради. Ватан шаънини ҳимоя қилиш, байроғимизни юқорига кўтариш учун тинимсиз ҳаракат қиламиз. Йигитлар ҳам шундай. Жамоамиз жуда ахил. Бир мақсад йўлида жипслашиб, бир-биримизга далда бўлишимизни бошқа юрт вакиллари ҳам эътироф этган. Ғалабаларимизнинг бош манбан ҳам шу, назаримда.

Шогирдларим билан фахрланаман. Ҳар бирининг дунёқараши ўзгача. Уларга фель-атворидан келиб чиқиб ёндашаман. Спортчи учун хотиржамлик, ўз кучига ишонч жуда муҳим. Болаларга рақиб камчиликларини ўрганиш кераклигини тушунтираман.



Мураббийлик — масъулиятли вазифа. Айни пайтда терма жамоада фаолият юритиш билан бир каторда, Чилонзор олимпия захиралари спорт коллежиде 70 нафардан ортқ ёшга бокс сирларидан сабоқ бераман. Кўпчилик “Бокс осон, озроқ шугулланасан, чемпион бўламиз!” деб ўйлайди. Бу хато фикр. Ҳар бир спортнинг машаққати ўзига яраша. Ўзи устиди ишладан толмайдиغان одамгина натижага эришиши мумкин. Тинимсиз меҳнат — муваффақият гарови.

Шукрки, йигитлар юзмини ерга қаратмапти. Кўплаб хорижий клублар биз билан ҳамкорлик қилишни истамоқда. Бу, аввало, танлов жараёнини тўғри йўлга қўйганимиз самараси. Халоллик, тўғрилик, адолат бор жойда натижа бўлади, албатта. Мен ана шу тамойилга амал қиламан.

Юртимиз истеъдодларга бой. Имкон қадар янги номларни кашф қилишга интиламан. Масалан, Индонезияда бўлиб ўтган XVIII Осиё ўйинларига қадар Бобоусмон Ботуров, Миразиз Мирҳалиловни кўпчилик танимасди. Аммо уларга ўзини кўрсатиш учун имкон бердик. Йигитларга раҳмат, юртимизга олтин медални туҳфа қилди!

Ўзбек бокс мактаби дунёнинг манаман деган мутахассислари томонидан тан олинаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон бокс федерацияси бу борада катта ишларни қилипти.

Қаҳрамонимиз талабчан, шогирдларига меҳрибон. Ринг четиде жаҳон билан жангни кузатиб, шогирдига тинимсиз йўл-йўриқ кўрсатадиган, ўзи-да жанг қилишга шай мураббий кўпчиликнинг сеvimли қаҳрамони, Ёш чарм қўлоқ соҳибларининг ғамхўр устозидир. Рио-де-Жанейродаги Ёзги олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган боксчиларимизни елкасида кўтариб, спорт қошонаси бўйлаб айланиб чиққан ҳам у. Журналистларнинг: “Агар энг оғир вази тоифасидаги шогирдиниз мусобақада голиб бўлганида уни ҳам елкангизда кўтарган

QITIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

ОДДИЙ ҚЎЛҚОПНИНГ ҲАМ НОЗИК ЖОЙИ БОР



Рисолат МАДИЕВА

Муштарий Одилова Тошкент давлат техника университетининг 4-босқич талабаси. У ўқиш баробарида илмий излашлар ҳам олиб бормоқда. Тадқиқотлари натижаси ўлароқ, саноатда ҳамда қидирув-қутқарув ишларида қўлланиладиган брезент қўлқопларини ҳар жиҳатдан қулай ва чидамли бўлишини таъминлайдиган технологияни яратди.



қилиш кераклигини англайди. Бу мавзуни илмий таҳлил этишга уни устози, техника фанлари номзоди,

доцент Лариса Петросова ундаган. Лойиҳа жорий йилда пойтахтимизда ўтказилган Халқаро инновацион ярмарка доирасида муносиб эътироф этилгани ҳам катта натижа.

— Қўлни ҳимоялаш учун мўлжалланган ҳозирги қўлқоплар бирмунча ноқулай, — дейди Муштарий. — Улар стандарт ўлчамда чиқарилади, шу боис иш вақтида турли предметларга илиниб қолиши ёки қўлдан тушиб кетиши мумкин. Статистик маълумотларга қараганда, кўнгинга жароҳатланган ҳолатлари айнан химия воситасидаги камчиликлар туфайли юзага келади. Биз яратган қўлқоплар эса, кон томиларини сикмайди, тросс билан узок вақт ишланганда ҳам қўлга зарар етказмайди. Асосийси, таннархи арзон.

Муштарийнинг инновацион технологияси Беларусь ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиетлар вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган халқаро анжуманида юқори баҳоланди. Бундай иқтидорли ва интилувчан ёшларимиз билан фахрланасан арзийди.

шитобини йўқотган Жалолдин зарб билан ерга йиқилди. Хушнини йўқотди. Тўпиғи лат еди. Ўзига келганда эса, шундай деди:

— Ох, меҳрибон волидам-а, шу зайл меҳр билан қақирмаганингизда-ку, мен нариги томга бемалол сакраб ўтардим!

Бу ўқинч алломанинг қалбиде узок сакланиб қолди.

Худди шунингдек, Назира ҳам қудалар уйига ёмон ниятда бормаган эди. Бор-йўғи вақтинча аразланиб ота уйида ўтирган синглисига, норасида жиянига ачинганидан, уларга меҳри баландиғидан, уст-бошларини олиб келиб бериш учун борган эди. Бирок, минг афсуски, хали ховуридан тушмаган қудайлар бир-бирини тушуна олмади. Билъакс, даҳанаки жанг ростмана ур-йиқитларга айланиб кетди. Оқибатда уй эгаси бўлмиш мундиб кетди. Шу баҳона бўлди-ю, шундоқ ҳам бурқиб турган ўт алағна олди. Бириси дельоғар, бириси жавобгар бўлди. Иш эса, судгача бориб етди.

Инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан бири бу — тинч яшаш ҳуқуқидир. Бинобарин, суд ишини атрофлича кўриб чиқиб, жавобгарга 92 минг 500 сўм жарима тайинлади.

QILMISH — QIDIRMISH

ЖАНЖАЛДАН ЧИҚҚАН ЧИҚИМ

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

Асалнинг ози ширин, дейилган. Башарти, меҳрибонлик ҳам меъёрида бўлгани яхши. Жалолдин Румий ҳақидаги ривоятлардан бирини эслайлик. Унда беш ёшли Румийнинг сакраш воқеаси хикоя қилинади.

Биламизки, илгари замонларда қиллоқ одамлари пасткам-пасткам, лойсувоқ уйларда яшаган. Уйлар бир-бирига тутшиб кетганидан болалар томдан-томга сакраб ўйнар, айниқса, баҳор чоғларида қип-қизил лолакизгалдоқларга бурканидиган томлар улар учун мисоли жаннат боғларига айланарди.

— Кел, анави томга сакраймиз, — деди ўртоқларидан бири. Жалолдин рози бўлди. Бундай ўйинга биринчи марта қўшилиётган болакай хийла тараддуланиб, орқасига тисарилиб борди-да, сўнг жон-жаҳди билан олға югурди. Худди шу пайт пастда, уй юмушлари билан қуйманиб юрган онаси томдан-томга сакрашга чоғланган ўғлини кўриб қолди-ю, жон ҳолатда: “Жалоо!!!”, деб қичқириб юборди. Меҳрибон онасининг овозидан

XALQARO HAMKORLIK

Муҳим масалага қайтилди

Ўзбекистон ва Россия мутахассислари жисмоний имконияти чекланган ёшларга кўшимча касб таълимини бериш соҳасида икки мамлакат нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги масаласини муҳокама қилди. Шу масалага бағишланган ўқув-семинарнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди билан биргаликда ташкил қилди.

Семинар давомида Москвадаги “Менежерлар учун миллий сертификатлаштириш маркази” автоном ногиронлар ташкилоти директори Владимир Жилтсов, Тюмень минтақалараро ўқув маркази директори Екатерина Ильина сўзга чиқиб, ёшлар ва таълим соҳасига алоқадор лойиҳаларни бошқариш, иқтидорли болаларни иқтисмоний қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган ёшларга таълим берувчи малакали кадрларни тайёрлаш бўйича Россия тажрибаси хусусида маълумот берди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини кизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Мухбиримиз

DAVRA SUNBATI

Ҳуқуқ ҳимояси устувор вазифа

Равшанбек ЮСУПОВ,
Ёнгин хавфсизлиги институтини
кафедра мудири, подполковник

Ёнгин хавфсизлиги институтида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Инда сенатор ва депутатлар, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, соҳадаги қонуни ҳужжатлари, уларни ижро этиш механизмларини такомиллаштириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Яқунда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий тизими” деб номланган илмий-оммабон китоб тақдими бўлиб ўтди.

EKSKLYUZIV

БУГУН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА УШБУ МЕХАНИЗМ МУРВАТЛАРИ НЕЧОҒЛИҚ МУСТАҲКАМ? ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТЕРАН АНГЛЯПТИМИ? УНИНГ САМАРАСИНИ ҲАЁТИДА ҲИС ҚИЛЯПТИМИ?

Шу каби долзарб саволларга атрофлича жавоб олиш мақсадида вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Рўзимурод Чориев билан сўхбатда бўлдик.

— Рўзимурод Қўнғиротович, вилоят ёшларининг бугунги ҳолатию кайфиятидан қўнғилгиниз тўлқиними?

— Қисман ҳа. Бугунги Сурхон ёшлари ўзгарган. Уларнинг онги-шуури, орзу-умидлари, интилишлари бошқача. Ёшларимизда ислохотларга дахлдорлик, яратувчанлик хисси ошганини ҳам кузатаман.

Уларга кўрсатма бериш шарт эмас. Аксарияти юртга керакли инсон бўлишни, воҳа ривожига муносиб ҳисса қўлишни хоҳлайди. Бу ҳам кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик намунаси, менимча.

Шу ўринда аниқ бир ҳақиқатни эслатиб ўтсам. Илгари Сурхондарё вилояти ва сурхон ёшларига паст назар билан қараб келинган. “Сурхондарёми?” “Сурхондарёга бўлаверади” кабилидаги камситишларни кўп эшитардим ва бундай муносабатдан жуда ранжирдим. Энди-чи? Давр ўзгарди, талаб ўзгарди! Сурхондарё вилояти бошқа ҳудудлардан кам кўрилатгани йўқ. Аксинча, ҳукумат томонидан бизга эътибор кундан-кунга кучаймоқда. Ёшларимиз эса, ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлай оляпти.

Ёшлар талбиркорликка интилаётгани ҳам мени қувонтиради. Чунки ҳозир бунга кенг шароит яратилган. Президентимиз фармони асосида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури қабул қилиниб, шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. Мазкур ташаббус асосида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда ва бир вақтнинг ўзида бандлиги таъминланмоқда. Жорий йилда вилоятимизда “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 308 нафар ёшга йиллик 7 фоиз ставкада жами 28 миллиард 708 миллион сўмлик кредит ажратилди.

— Юртбошимиз “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқида раҳбарларга қарата: “Биз энди сизларнинг фаолиятингизни пахта ёки ғаллага қараб эмас, энг аввало, ёшларга, ёшларга оид давлат сиёсатида бўлган муносабатга қараб баҳо берамиз”, — деган эди. Бугун вилоятда ёшлар билан бевосита ишлаш, муаммоларини ҳал этишга нечоғлиқ эътибор қаратилмоқда?

— Ёшлар билан ишлашда ота-онасига ҳам аҳамият беришимиз керак.

ОТА-ОНАЛАРГА ШУНДАЙ ТУШУНТИРИШИМИЗ КЕРАККИ, УЛАР БУГУН БОЛАСИГА БЕРАЁТГАН МЕХРИ, БИЛИМИ, ТАРБИЯСИ, ҲУНАРИНИ КЕЛАЖАК УЧУН САРМОЯ, ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛСИН. ОТА-ОНА ОНГИГА “КЕЛАЖАКДА ЯХШИ ЯШАШИМ УЧУН ФАРЗАНДИМГА ТЎҒРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЭҒАЛЛАШИГА ШАРОИТ ЯРАТИШИМ КЕРАК”, ДЕГАН ҒОЯ МУКИМ ЎРНАШСИН.

Ўзбекистон эртанги кунини ёшларда кўрадиган мамлакат. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошираётганимизнинг боиси ҳам шунда. Давлатимиз келгуси режа-мақсадларини навқирон авлод манфаатларидан келиб чиқиб тузмоқда. Ўзгил-қизларнинг хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашни, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашни, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бирламчи вазифалар қаторида қўриляпти.

Бу қуруқ сўзлар эмас, балки амалий ишлар асосида яққол намоён бўлаётган жараён. Жумладан, 2016 йил 14 сентябрда янги тахрирда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунда ёшлар масалаларини ҳал этишда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро узвий ҳамкорлик қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилди.



ЁШЛАРГА ИШОНИБ ҲАТО ҚИЛМАЯПМИЗ

“ ИЛГАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА СУРХОН ЁШЛАРИГА ПАСТ НАЗАР БИЛАН ҚАРАБ КЕЛИНГАН. “СУРХОНДАРЁМИ? СУРХОНДАРЁГА БЎЛАВЕРАДИ” ҚАБИЛИДАГИ КАМСИТИШЛАРНИ КЎП ЭШИТАРДИМ ВА БУНДАЙ МУНОСАБАТДАН ЖУДА РАНЖИРДИМ. ЭНДИ-ЧИ? ДАВР ЎЗГАРДИ, ТАЛАБ ЎЗГАРДИ! СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚА ҲУДУДЛАРДАН КАМ КЎРИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ. АКСИНЧА, ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН БИЗГА ЭЪТИБОР КУНДАН-КУНГА КУЧАЙМОҚДА. ЁШЛАРИМИЗ ЭСА, ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИНИ АМАЛДА ИСБОТЛАЙ ОЛЯПТИ.

Тўғри, ҳозирги кунда давлатимиз томонидан ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, кейинги икки йил мобайнида Сурхондарё вилояти ёшлари ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Шундай бўлса-да, ёшларга оид давлат сиёсатида кенг жамоатчиликнинг иштироки суёт.

Тан олиш керак,

ЯКИН-ЯКИНГАЧА ЁШЛАР ФИКРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ ТУГУЛ, УЛАРНИ ТАЙИНЛИ ТИНГЛАШНИ ҲАМ БИЛМАСДИК. ШУ ТУФАЙЛИ ЖОЙЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚ КАБУЛХОНАЛАРИ ОЧИЛГАНИДА ЁШЛАР ЁИПАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛА БОШЛАДИ. КЎПЧИЛИК ИШСIZЛИК ВА УЙ-ЖОЙ ТАЪМИНОТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛДИ.

Мана энди, барча ҳудудларда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам “Ёшлар уйлари” курилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жорий йилда 91 та ёш оила янги хонадонларга кўчиб ўтди. 2019 йилда яна 128 та оила имтиёзли кредит асосида ўз уйига эга бўлади. Янги уйлар қалитларини олаётган юртдошларимизнинг юз-сўзларига боқинг. Уларнинг орзу-мақсадлари янада юксалиб, эртанги кунга ишончи ортганини кўрасиз. Демак, биз шу йўналишдаги ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор ёшлар қатламини қўллаб-қувватлаш борасида нима дея оласиз?

— Фикримча, ногирон одам нима сабабдан шу ҳолга келиб қолганини аниқлаш керак. Жамият учун ногирон фарзанд туғилишининг олди олингани маъқул. Тез орада вилоятимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳудудлар кесимида хатловдан ўтказилиб, уларнинг мониторингини юритиш йўлга қўйилади. Шунда қайси туман ёки шаҳарда ногирон болалар кўпроқ туғилаётганини аниқлаш, сабабларини билиш имконига эга бўламиз. Мазкур ҳолат учун шифокорлар ҳам жавоб бериши керак, назаримда.

Яна бир жиҳат мени таажубга солмоқда. Авваллари оилادا ногирон фарзанд дунёга келса, уни кўрсатишдан уқлишган, ор билишган. Энди-чи,

АЙРИМ ОТА-ОНАЛАР НОГИРОН БОЛАСИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИБ, ТАШКИЛОТ ЭШИКЛАРИДАН БЕРИ КЕЛМАЙДИ. БОҚИМАНДА БЎЛИБ ҚОЛГАН, ҲАДЕБ ЁРДАМ СЎРАШДАН УЯЛМАЙДИ. АММО ЎЗИ ИШЛАБ ПУЛИ ТОПГИСИ ЙЎҚ!

Хайриятки, юртимизда ногиронлар ўз холига ташлаб қўйилмаган. Масалан, биргина Сурхондарё вилоятида қандли диабет касаллигига чалинган ёшлар сони 200 нафарни ташкил этади. Ўзбекистон ёшлар иттифонининг ҳудудий кенгаши билан биргаликда ана шу беморлар ҳолидан хабар олиб, уларга кон таркибини ўлчайдиган аппарат ва керакли

риш ишларини кўриб, хайратланганини айтиди. Бу сўзларда жон бор. Ҳақиқатан ҳам, охириги икки йилда Сурхондарё вилояти ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй берди.

ИЛГАРИ ЧЕГАРА ВИЛОЯТИ ДЕБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНМАСДИ. ҲАТТО КЎП КАВАТЛИ ИМОРАТЛАРНИ ҚУРИШГА РУҲСАТ БЕРИЛМАГАН. БУГУН ЭСА, ВИЛОЯТДА БИР-БИРИДАН КЎРКАМ ИНШОТЛАР, ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ БАРПО ЭТИЛАЁТГАНИНИ КЎРИБ, “МАНА, БЎЛАРКАН-КУ!” ДЕГИНГ КЕЛАДИ.

Янги корхоналар очилаётгани ҳисобига воҳада қанчадан-қанча иш ўринлари яратилмоқда. Биргина Термиз шаҳрининг ўзида “Амуларё Текс”, Жаркўргонда “NortexStyle”, “Сурхонтекс”, Шўрчида “Мумин-текстиль” корхоналари, Шеробода цемент заводи ва тўқимачилик

СУРХОНДАРЁДА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ОҚИМИ АНЧА ПАСАЙГАН

жарроҳлик амалиётини ўтказишга кўмак берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 584 нафар фарзандига ўқув қуруллари бепул етказилган бўлса, 5 нафар талабага шартнома пули тўлаб берилди.

— Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарб. Нега? Меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларни қандай бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайсиз?

— Яқинда вилоятимизга чет элдан меҳмонлар келди. Улар воҳада бир неча йил олдин ҳам бўлгани, ўтган киска вақт ичиди амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободонлашти-

риш ишларини кўриб, хайратланганини айтиди. Бу сўзларда жон бор. Ҳақиқатан ҳам, охириги икки йилда Сурхондарё вилояти ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй берди.

ИЛГАРИ ЧЕГАРА ВИЛОЯТИ ДЕБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНМАСДИ. ҲАТТО КЎП КАВАТЛИ ИМОРАТЛАРНИ ҚУРИШГА РУҲСАТ БЕРИЛМАГАН. БУГУН ЭСА, ВИЛОЯТДА БИР-БИРИДАН КЎРКАМ ИНШОТЛАР, ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ БАРПО ЭТИЛАЁТГАНИНИ КЎРИБ, “МАНА, БЎЛАРКАН-КУ!” ДЕГИНГ КЕЛАДИ.

Янги корхоналар очилаётгани ҳисобига воҳада қанчадан-қанча иш ўринлари яратилмоқда. Биргина Термиз шаҳрининг ўзида “Амуларё Текс”, Жаркўргонда “NortexStyle”, “Сурхонтекс”, Шўрчида “Мумин-текстиль” корхоналари, Шеробода цемент заводи ва тўқимачилик

СУРХОНДАРЁДА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ОҚИМИ АНЧА ПАСАЙГАН

фабрикаси ишга тушган. Шу объектларда меҳнат қилаётганларнинг 70-80 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ҳозир кўпгина ёшлар ўзимизда ҳам иш борлиги, ҳалол меҳнат қилиб, рўзгор тебратиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилмоқда. Улар четга чиқиб ишлашга ҳожат йўқлигини тушуниб етляпти. Буни меҳнат мигрантларининг оқими анча пасайганида ҳам кўриш мумкин. Айрим маҳаллаларда четга бориб ишлайдиганлар қузатилмаяпти.

— Вилоятимизда йирик sanoat корхоналари ишга тушаётгани қувонарли, албатта. Лекин уларни

малакали маҳаллий кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам бор-да.

— Тўғри айтдингиз. Баъзи йўналишлар бўйича вилоятимизда ёшларга иш йўқ. Баъзи соҳалар бўйича эса, аксинча, мутахассис излаб эсинг кетади. Менимча, муаммонинг ечими жуда оддий. Мана масалан, келаси йили вилоятимизда нечта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, қанча корхона ташкил қилиниши олдиндан маълум. Одатда корхона куриб битказилгандан кейингина унда ким ишлайди, кадрларни қаердан топасиз, деган масалалар кўндаланг қўйилади. Ваҳоланки, бунинг ташвишини олдиндан қилиш керак. Ахир, йирик sanoat объекти бир йилда курилмайди-ку! Шу вақт мобайнида кадрларга буюртма бериш мумкин. Шунда танқислик юзга келмайди.

ЯҚИНДА ШЕРОБОД ТУМАНИДА ЙИРИК ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛДИ. ЎЗИМИЗНИНГ ЁШЛАР ОРАСИДА МУНОСИБ КАДРЛАР ТОПИЛМАДИ. ХОРИЖДАН ФАЛОН ПУЛ ЭВАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛДИК. ОЧИҒИ, ШУ ҲОЛАТДАН УЯЛДИМ.

— Ҳўш, сиз айтётган муаммо қачон ечим топади?

— Саволингизга узил-кесил жавоб беришим қийин. Бир нарсани аниқ биламан: Сурхондарё вилояти учун керакли мутахассисларни имкон қадар шу ернинг ўзида тайёрлаш керак. Чунки Тошкент ёки Самарқанддаги олийгоҳни битирган йигит-киз воҳамизга келиб ишлаши дарғумон.

Шу тўғрисида жорий йилнинг ўзида вилоятимизда тўртта олий ўқув юртининг филиали очилди. Жумладан, Термиз туманидаги ташландик жой обод этилиб, Тошкент аграр университетининг Термиз филиали биноси барпо этилди. Бу ерда кишлоқ хўжалиги махсулотлари очик ва ёпиқ майдонларда етиштириляётганини кўриб қўзингиз қувнади. Талабалар назарияни амалиёт билан уйғунлаштирмоқда. 40 нафари хорижга тажриба ўрганиш учун юборилган. Тошкент давлат техника университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент тиббиёт академияси филиалларига ўқишга кирган талабалар бир неча йилдан кейин меҳнат бозорига қўшилган, воҳамизда кадрлар танқислиги билан боғлиқ вазият бироз юмшайди, деган умиддаман.

— Ёшларимиз учун имтиёзлар тизими, рағбатлантириш механизми жорий қилинган. Имкониятларга муносиб бўлаётганлар оз эмас. Лекин боқимандалик кайфиятида юрганлар ҳам бор...

— Яқинда шўрчилик ўспирини билан танидим. Ота-онасининг кўзи ожиз экан. У менга ҳаёда ўз йўлини топилди қийналаётганини айтди. Сўхбат давомида унга ёшлар учун яратилган имкониятлар ҳақида сўзлаб бердим. Шунда йигит: “Ногирон ота-онами давлат эмас, мен боқиман керак”, — деган қатъий фикрини айтди. Демак, ёшлар билан доимий мулоқот қилиш керак экан.

Тўғри, тайёрига айёр бўлиб, фақат бер, бер, деб турган ёшларни ҳам учратяпмиз. Аммо инсон боқиманда бўлиб бир-икки йил юриши мумкин. Кейин барибир бошқалар қатори ишламаса, ҳаракат қилмаса ҳаёти яхшиланмаслигини тушуниб етлади.

— Вилоят ёшларининг яқин истиқболини қандай кўряписиз?

— Табиатан оптимист одамман. Сурхон ёшларининг жўшқин ҳаракати менда келажакимиз ҳақида фақат ижобий тасаввурлар уйғотмоқда. Янги корхоналар очиб, тендошларини иш билан таъминлаган, чет элдан ҳамкор топиб, бизнесини кенгайтираётган йигит-кизларга қойил қолмай иложинг йўқ! Эртага улар мамлакатни, албатта, тараққиётнинг янги поғонасига олиб чиқади. Менимча, ёшларга ишониб хато қилаётганимиз йўқ. Натيجасини эса, вақт кўрсатади.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

HAYOT HAQIQATI

Qizil ro'molcha

Sherjon

Nodirabegim IBROHIMOVA

Sherjon askarlikdan kelib bo'lib qaytdi. — Boshiga nimadir urilgan, — dedi qo'shnilar. — Yo'q, parashyuti ochilmay qolibdi. — Undaymas, u kimningdir ishqida... kuygan edi. “Dedi-dedi” bo'ldi, chin sababini hech kim bilmadi. Sherjonni o'zi aytmasdi, hol so'ragan odamga tirjayib qarab turaverdi. Hech gapirmadi. Ona kuydi, yondi, ko'nikdi.

— To'ng'ichimning peshonasi shu ekan. Unga asragan sandiq to'la sarpolarim... ukasiga nasib ekan. Sherjonim-ga baribir birov qizini bermaydi.

Ha, bermas edi. Oyog'imi, qo'limi nogiron bo'lganda ham mayliydi. Tegirmonchining oqsoq qizi bor. Olim muallimning kenjasining ko'zi g'ilyay chiqdi. Momo ularga umid bilan og'iz soldi, mulzam bo'lib qaytdi. Hatto qishloq go'rkovining moxov qiziga-da bordi, ko'nmadi. Esi og'gan o'g'ilga birov xotin bo'lmadi. Chin-da, bolalar jinni, jinni deb ermak qilishi bejizmas. Sherjonning aqli yosh go'dakchalik ham ishlamasdi.

Ilgari qanday yigit edi-ya. Hatto rainsing xotini qizimini beraman, deb sha'ma qilardi. O'ktam, sipo, yoql-hush-ll Sherjon esa, boshqasini yotirardi. Askarlikdan qaytib onamga aylatib, deb ko'ngliga tukkandi. Aytish nasib etmadi. U qizni tugul, o'zini ham unutdi. Bari telba-teskari bo'ldi...

Yolg'iz Maysaragina akasining tentakligini tan olmadi. U bilan hud-diki avvalgidek gaplashdi, g'amxo'riik ko'rsatdi. Maktabdan qaytishi bilan oq akasi huzuriga oshiqib, unga o'tgan kunlaridan voqealar so'zlaridi. Aka jim o'tirib, eshitir, ammo anglamasdi. Qo'li bilan og'ziga imo qilib ovqat so'zardi.

Kutilgan to'y boshlandi. Sherjonning ukasi Bekjon kuyov bo'ladigan bo'ldi. Onasi ko'zlay-ko'zlay qishloqda dong'i chiqqan chevarning qiziga so'vchi qo'ydi. Ammo... Chevar, momoning hurmatini joyiga qo'ydi, lekin ko'nmadi. Nazarida, qizining jinni qaynog'a xizmatida bo'lishini istamad. Biroq... sal vaqt o'tib, Maysara gap keltirdi: — Ona, Mohira opamnikiga yana boring.

— Nega, qizim?
— Mohira opamning o'zi aytdi. Maktab bog'ida uchratib, sekingina aytdi. Momoning ko'zlarid porladi. Ertasiga

tilkilgan bitiklami o'qiy olmasdi...

Mohira kelin bir kelin bo'ldiki. Momoning qo'li sovuq suv ko'rma-di, Maysaraga-da uyda ish qolmasdi. Bekjon baxtni tuydi. Sherjon ham qarovsiz qolmasdi... Ko'yaklari toza, daz-mollangan bo'ldi, soch-soqoli olingan bo'ldi, och-nahor qolib ketmasdi.

Momo Maysarani uzatsam, o'zim ham oyog'imni bemalol uzataman, ar-monsiz ketaman, deb xayol qildi. Sher-jonni keliniga ishondi, Bekjon birov toshbag'ir, ammo Mohira undaymas. U tirik ekan, o'g'li xor bo'lmaydi.

Maysara maktabni tugatishi bilan so'vchi keldi. Momo tanladi, qizi bosh egdi. Uchrashuv belgilandi. Maysara yuzi upa ko'rmagan, ko'zi qalam ko'rmagan. Qiziqidi... Uchrashuvga xushro'y, xushbo'y bo'lib borishni istadi. Kelinopasidan uyaldi, shu sabab Mohira go'dagini bog'dagi belanchak-da allalagan chog' xonasiga oyoq bosdi. Tokchadagi pardoz buyumlaridan shosha-pisha yuziga surgan bo'ldi. Keyin... chiqqisi kelmadi. Mohiraning xonasi unga azaldan sirli bo'lgan. Ayniqsa, kalitli sandiqchasi boshqa-cha ko'ringan. U bir marta ko'rib qol-gandi: Mohira kalitni sholcha ostiga qo'yardi. Maysara beixtiyor sholchani surdi — kalitni ko'rdi. Derazadan mo'ralladi: kelinopasi o'g'lini uxlatib, daraxtdan olma uzib, chelak to'ldi-rardi. “Faqat ko'z tashlayman”. U shunday deb sandiqchani ochdi. Ichi to'la... maktub chiqdi.

— Bilardim... Bekjon akam bilan zimdan sevishanini sezardim.

Qizgina ishqiy xatlaridan birini qo'li-ga oldi. Qo'llari titradi. Duch kelgan satriga ko'z yugurtirdi.

“Askarlikdan qaytishim bilan to'y qilamiz, Mohira. Faqat sen meni kut-gin. Yana boshqalarga... rozi bo'lmag-in. Menga atab ro'molcha tik. Chetida... is-mimiz yozilgan bo'lsin.

Seni o'ylamagan kunim bo'lmadi, Mohi. Oyga tikildim, senga o'xshama-di. Gullarga boqdim, senga o'xshama-di. Momiq bulutlar ham boshqacha bo'ldi. Majnunol sochlari zulfingga teng kelma-di. Mohira, oz qoldi, oz! Uchrashuv on-larini xayolan o'yab yuragim gupillaydi. Sen ham meni o'ylarmikansan? Nega bir bora maktub bitmaysan?.. Kutaman.

Sering Sherjonning”.
Maysaraning ko'zlarini tindi. Shosha-pi-sha boshqa maktublarni ochdi. Barining ostida Sherjon ismi bitilgan bo'ldi. Bar-chasi otash bo'ldi, olov bo'ldi. Sandiq-cha nega yonib kul bo'lmadi bu satrlar-dan? U vaqtni ham unutib, maktublarga termilib qoldi. Yig'ladi...

— Siz...? — Mohira bir sandiqchaga, bir yerga qaradi. Qo'llari bilan etagini g'ijimladi. Maysara u kutganidek, g'a-zab qilmadi, yo'q, kelinopasini bag'riga bosdi.

— Maysarajon... — o'krab yubordi Mohira. — Mensiz uning holi ne ke-chardi? Bu yerga... kelmasam bo'lm-asdi, bo'lmadi.

Maysara xonadan sirg'alib chiqib ariq bo'yida oyog'ini suvga tiqib, yosh bolalar bilan o'ynab o'tirgan akasining yelkasi qo'l bosdi. Akasi guldor ro'molchani ariqqa botirib peshonasiga bosardi. Undan oqayot-gan tomchilar ko'z yoshidek yuzi-dan quyilardi. Akasi bunga kulardi, yig'lab kulardi. Ro'molcha chetidagi “Sh.M.” yozuvlari ham yig'lardi... Qizil bo'yog'qa bo'yalib yig'lardi...

KITOB JAVONINGIZGA

Zulfizar MAVLONOVA

Bolaligini yo'qotgan bolalar

“Afg'onistonda bolalar ko'p, ammo bolalik yo'q”. Xolid Husaynning “Shamollar ortidan yugurib” asaridan olingan birgina shu jumlaning o'qim-u jafokash xalqning tushkun holati ko'z o'ngimda gavalandi. Ochlik va shafqatsizlik oqibatida nobud bo'layotgan begunoh insonlar, undan ham ayanchlisi, hali dunyoni tanishga-da ulgurmay urush girdobiga tashlangan go'daklar surati ko'z oldimdan o'tdi.



Mana shu xayoliy manzaralar menda asarni o'qish istagini kuchaytirdi. Tezda mutolaaga kirishdim. Asar syu-jeti shunchalik hayotiyki, qiziqish zo'r kelib o'zingizni mutoladan to'xtatol-maysiz.

Xullas, kitobni tonggacha o'qib tu-gatdim. Taqdirimdan minnatdorlik his-

sini tuydim. Tinch yurtda tug'ilganim va hech qanday cheklovlarsiz ta'lim olayotganim uchun Yaratganga shukro-na aytdim.

“Shamollar ortidan yugurib”da odamlarni azoblash, chorasiz qolgan aholini arziyas xatolari uchun ayblab, tahqirlashdan rohatlanadigan kimsa-

larning razil qiyofasi aks ettirilgan. Ayniqsa, bolalar taqdiri ochiq-oshkora bayon etiladi. Erta ulg'aygan norasi-dalar faqat tinchlik istab tong otтира-ди. Tangri taolodan tinchlik so'rab tili chiqadi.

Asar qahramoni 12 yoshli Suhrob obrazi orqali yozuvchi bolaligini yo'qotgan bolalar ruhiyatini tasvirlay-di: “Charchadim... Qaniydi, ota-onam yonimda bo'lsa, Sasa ham, Rahimxon sohib ham. O'zimizning eski uyimizda birga yashasak, — u barmoqlari bilan ko'z yoshini artdi...

... Men dadamni, onamni, hamma yaqinlarimni sog'inaman. Ammo bir hisobdan ular meni hozir ko'rmayot-ganidan xursandman, — dedi Suhrob o'kinch bilan. — Chunki men gunohga botganman”.

Shukrki, biz bolalikning baxtiyor lahzalarini yodga olamiz. Tinchlik ko'rmagan el farzandlari xotirasiga esa, vahshiyliklar muhrlanadi. Boshqa-lar arziyas qiyinchilikdan nolisa, ular bir burda nonni ko'ziga surtib yeydi. Hech bo'lmasa bir marta to'yib ovqat-lanishni orzu qiladi. Biz tongni quyosh nur sochganidan quvonib qarshi olsak, ular tirik qolar ekanammi, degan had-ik ila uyg'onadi. Asarni o'qir ekanisiz, “Urush iskanjasida qolgan bu bolalar ham xotirjam yashashga, ota-onasi bag'rida ulg'ayishga, qo'g'irchoq o'ynab, hayot shodliklaridan bahra-mand bo'lishga haqli-ku”, degan o'y ichingizni tirib o'tadi. Xulosa esa, har kimning o'zidan.

“YURTIM MEHNATKASHLARI”

bilimdonlik mashqlari



KROSSVORD. Shaklda beligan-xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. O'ziga qarashli yoki ijaraga olingan yerda ziroat mahsulotlarini yetishtiruvchi qishloq xo'jalik korxonasi rahbari. 2. Pul mablag'lari ishtirokisiz bevosita tovarga tovar ayiribboshlash usuli. 3. Vatanimizda yetishtirilayotgan yirik bug'doy navi. 4. Anor navi. 5. Tadbirkorlik sub'ektlari o'rtaidagi kurash. 6. Anjir navi. 7. Po'stlog'i dorivor va ziravor sifatida ishlatiladigan tropik daraxt. 8. Urug'idan moy, gulidan bo'yoq olinadigan to'pgulli bir yillik o'simlik. 9. Foizini qo'shib qaytarish sharti bilan vaqtincha foydalanish uchun olingan mablag'. 10. Qishda saqlanadigan kech-pishar qovun navi. 11. Yig'ib-terib olingan hosil to'planadigan maydon. 12. Mustaqillik yillarida yer maydon-lariga egalik borasida amalga oshirilgan jiddiy o'zgarish. 13. Qishloq xo'jaligida mineral o'g'it sifatida ishlatiladigan modda. 14. Nok mevasining respublikamizda yetishtiriladigan yi-

rik, shirin navi. 15. Vatani Misr bo'lgan poliz ekini. 16. Adir zonasidagi sug'orilmay dehqonchilik qilinadigan yer. 17. Urug'siz, mayizbop uzum navi. 18. Qishloq xo'jaligi texnika-si. 19. Mevali daraxtlarni parvarish-laydigan mutaxassis. 20. O'simliklar rivojlanishini o'rganuvchi mutaxassis. 21. Olma navlaridan biri. 22. Mam-lakatimiz qishloq xo'jaligi sohasida faoliyat olib borgan atoqli olim, aka-demik, ko'plab yangi navlar muallifi, “Buyuk xizmatlari uchun” ordeni so-hibi. 23. Uzum tupini parvarish qilish usullaridan biri. 24. Yer sathi o'lcho-vi birligi. 25. Dehqonchilik ilmini egallagan mutaxassis. 26. Haydalgan yerning yuza qismini tekislash, qat-qaloqni yumshatish, begona o'tlarni yo'qotishda qo'llaniladigan ish quroli. 27. Qovoqguldoshlar oilasiga mansub bir yillik poliz o'simligi. 28. Ertapishar, xushbo'y, shirin qizil olma. 29. Dehqonning azaliy mehnat quroli.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:
1. Toklarni ko'tarib qo'yish, tarash uchun baland holda qurilgan moslama — 1, 11, 8, 5, 13.
2. Respublikamizda iqlimlashtirilgan turi yetishtirilayotgan tropik meva — 22, 15, 9, 13, 5.
3. Ekinga ishlov berish — 19, 5, 17, 1, 10.
4. Ekin tupini siyraklashtirish — 14, 2, 16, 2, 6, 2.
5. Beda, pichan uyumi — 20, 2, 9, 2, 13.
6. Chatishtirish yo'li bilan olingan nasl — 7, 15, 9, 2, 16, 2, 14.
7. Mevali bog' va ekinzorlardan olingan unum — 12, 5, 18, 1, 4.
8. Aholiga turli sohalarda ko'rsati-ladigan sifati xizmat — 18, 3, 9, 23, 1, 18.
Endi shaklning ichki qismlaridagi raqamlarni kalit so'zlari javoblaridagi mos harflar bilan almashtirish orqali muammonamni yeching. Bunda ikki misra hikmat va uning muallifi — mu-tafakkir shoir nomi ayon bo'ladi.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

YOSHLIK ILHOMI

Kemtiklik

Mehrigiyoh BOZOROVA

— Eshmat, senga maza-ya, urushda qoldirib kelgan qo'ling evaziga mendan ko'proq pensiya olasan.
— Pensiyaning ikki qo'llab sanashing aslida maza emasmi?!

“Saxovatpesha”

— Bu dang'illama uyda kim yashaydi?
— Ko'rlar jamiyati raisining kuyovi.
— Toparmon-tutarmonga o'xshaydi. Qayerda ishlaydi?
— G'irt bekorch. Raisning nogiron qiziga uylangan.

O'QING, BU QIZIQ!



Birinci mobil telefonning og'irligi 1,5 kilogramm bo'lib, quvvati atigi 20 daqiqaga yetgan.

Turkiy xalqlar orasida mashhur Nasriddin Afandi aslida tarixiy shaxs bo'lib, Saljuqiylar davri (XIII asr)da yashab o'tgan.



Nobel mukofoti laureati, daniyalik fizik olim Nils Bor milliy terma jamoa safida darvozabon bo'lgan.

Abdusattor UMMATOV tayyorladi.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari (“Yoshlar ovozi”), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”), Yelena Kalinina — mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Dizayner
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Navbatchi
Javlon Vafoyev

“YOSHLAR OVOZI”dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
“Sharq” nashriyot-matbas aksiyodorlik kompaniyasida. A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-1230
Adali — 11057
Boshiga topshirish vaqi — 21.00
Topshirildi — 20.45